

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 47 (4506).

7
МАРТ
СЕШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бангладеш Халқ Республикасининг Бош вазири шайх Мужибур Раҳмон Совет Иттифоқида жўнаб кетиш арафасида матбуот вакилларига баёнот берди.


Совет Иттифоқида қилинган беш кунлик визитдан кейин юртимга қайтиб кета туриб, делегация аъзолари номидан, шунингдек шахсан ўз номидан самимий меҳмондўстлиги учун Совет Иттифоқи раҳбарларига ва халқига энг самимий миннатдорчилик ва эзгу тилаклар билдиришмоқчиман, деди у. Кези келганидан фойдаланиб, бизга иззат-иқром кўрсатганликлари

ва музокаралар давомида муҳофама қилинган проблемаларимизни жуда яхши тушунавланганларини алоҳида алоҳида миннатдорчилик ва ташаккур айтмаган.

Биз Москвадан ташқари Совет Иттифоқининг уч тарихий шаҳри — Ленинград, Тошкент ва Тбилисда бўлдик. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин иш билан жуда банд бўлганлига қарамай, Ленинградда биз билан бирга боғиш имкониятини топди. Улут Октябрь социалистик революциясининг бешиги бўлган Ленинградни бориб кўришга мушарраф бўлганлигимиз билан беҳад хурсандимиз.

Биз Совет Иттифоқида бўлган сўнгги кунимизни Тошкентда ўтказдик. Биз саҳий меҳмондўстлиги учун Совет Ўзбекистонини меҳнаткашларидан миннатдоримиз.

Бангладеш халқи бизнинг озодлик учун олиб борган курашимизда совет халқи ва унинг раҳбарлари қатъий ва доимий мадад берганликларини ҳеч қачон унутмайди. Биз учун қийин бўлган кунларда берилган ана шу актив мадад инки ўртадаги муносабатларимиз тарихининг абдий энг яхши боби бўлиб қолади. Халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг давом этишига ва мустақамланишига аминман.



Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойининг президиуми ва мажлислар залида.

А. Горюхин ва Г. Пун фотолари (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

ШАЙХ МУЖИБУР РАҲМОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистон пойтахти кўпламги экниш кампанияси арафасида пахтазорлар, фаллазорлар, чорвачилик фермалари вакиллари шодона кутиб олмакда. Қишлоқ хўжалик илғорлари ўтган йилга яқин ясаб, беш йиллик иккинчи йилнинг пахта, дон, гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини ўттиришни янада кўпайтириш соҳасидаги вазифаларни белгилаб олмак учун республиканинг ҳамма томонидан бу ерга, ўзларининг одат тусига кириб қолган анжуманларига келишди. Республика колхоз ва совхозларида КПСС XXIV съезди қарорларини тезроқ амалга ошириш учун, СССР ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа янги куч билан авж олиб кетди.

Ватанга 4 миллион 500 минг тонна пахта берамиз, деган сўзлар ёзилган кизил транспарант пойтахтдаги Санъат саройи пештокига кўтарилди. Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи 6 март куни шу ерда тўланди. Саройга кириваришда карнай овозлари янграб турди. Эрталаб соат 10. Ўзбек қишлоқининг энг яхши миришкорларидан иккинчи йили Санъат саройи эълани тўғрисида. Президент қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, мўл ҳосил усталари, механизаторлар, молчорлар, олимлар, партия, совет, касба союз, комсомол ходимлари, қишлоқ хўжалик машиналарининг ишқорлари ўтиришди. Улар орасида мамлакатдаги пахтакор республикалардан келган меҳмонлар ҳам бор.

КПСС Марказий Комитети Сийёс буюрининг аъзолари кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети буюрининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белонжов, И. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомонов, Т. Н. Остров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, К. Камолов, Г. М. Орлов, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацевич президентдан жой оладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов кичика кийиш нутқи сўлаб қурултойни очди. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сийёс буюри билан руҳ билан қурултойнинг фархрий президиумига сайланади. «1971 йилнинг якулари ва республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1972 йилги вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

Докладдан кейин делегатлар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Улар зевонлар, бригадалар, бўлимлар, колхозлар ва совхозлар ишига ишчиллик ва синчковлик билан яқин ясадилар, экнишга тайёргарлик ишиди муваффақиятларини таъкидлайдилар, ўз таърибаларини баҳам кўрадилар. Хар бир нотиқнинг нутқида ардан, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш резервларидан, техника, моддий ва меҳнат

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида қисқарт Фикр ва мулоҳазалар баён этилди. Мўл ҳосил учун кураш экниш ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ экнилигини деҳқонлар жуда яхши билишди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларни Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов бошлаб берди. Ўтган йили, дейди у, область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари каттагина муваффақиятларга эришдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма асосий турларини еттиштириш ва тайёрлаш топшириқларини бажардилар, колхоз ва совхозлар ортирилган таърибга таъиниш тўғрисида беш йилликнинг иккинчи йили ҳосил пахта замин яратишга киришдилар, чорвачиликни янада ривожлантириш чораларини кўра бошладилар, шу тариқа СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишни кўраламоқдалар. Лекин ҳали областда фойдаланишмай ётган резервлар кўп. Масалан, қолқок бригадалари илғорлар даражасига етказиб олиш кўпгина қўшмача маҳсулот бериши мумкин. Нами пахта ҳосилнинг 50 процентини машинада теришга эришиш вазифаси ўртага қўйилган.

«Савай» совхоз коллективининг пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 4 центнер оширишга қарор бериб, бошлаган ташаббуси мактовга сазовор. Резервларини қидириб топиб, ишга солишга омиқор бўлган савайликлар ташаббусини Андижон областининг колхоз ва совхозлари меҳнаткашлари кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқдалар.

Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Эшоннов минбарга чиқди. Ў ўз нутқида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини юксалтириш масалаларига катта ўрни беради.

Анъанавий социалистик мусобақа, таърибани баҳам кўриш, ҳамма энг яхши, илғор ташаббусларни ўрганиб, ўз хўжалигиде жорий этиш юксак марраларни қўлга киритишда хоразмликларга ёрдам бермоқда. Биз, деди нотиқ, кўп йиллардан бери Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари билан мусобақалашиб келмоқдамиз, бу эса ишимизда катта ёрдам бермоқда, чунки далалар ва фермалардаги ишларини ўзаро текшириш нуқсонларини ўз вақтида аниқлаб дарҳол тузатиш имконини беради. Хоразм областининг меҳнатчилари экниш кампаниясига таъйирларини 15 мартгача батамом тугатлаш ва бу ишни қисқа муддатларда ўтказиб олиш вазифасини қўйганлар.

Районимизнинг кўпгина колхозларида, деди Шаробода район комсомол комитетининг биринчи секретари Ч. Худойбердиев, мўл пахта ҳосили учун ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини еттиштириш янада кўпайтириш учун бошланган мусобақада комсомол-ёшлар бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу бригадаларга сергайрат, билимдон йигит ва қизлар бошчилик қилишмоқда. Улар қишлоқ хўжалик экниларини еттиштириш агротехникасидеги ҳамма янгиликларини биринчи бўлиб олиб олмақдалар. Комсомоллар пахта териш машиналаридан серунум фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар, пахта ҳосили теримда нормани анча ошириб бажармоқдалар. Беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам комсомоллар билан ёшлар мўл пахта ҳосили учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ.

Қурултой қатнашчилари «Таш-селимаш» заводининг мастери М. Юсупов нутқини мароқ билан тингладилар. Завод коллектив, деди нотиқ, Ўзбекистоннинг катта хирмони учун олиб борилаётган умумхалқ курашига катта ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланади. Биз ишлаб чиқараётган машиналар қишлоқ меҳнатчиларининг иш унумини оширишга, пахта таннархини камайтиришга ёрдам бермоқда. Бизнинг терим машиналаримиз пахтакорларга манзур бўлганлигидан хурсандимиз. Ҳозир янада серунум олти қаторли пахта териш машинасини ўзлаштириш устида ишлабтанишимизни қувонч билан маълум қиламиз. Бизнинг дада меҳнатчилари билан экниш дўстлигимиз, машиналарини тақомиллаштириш соҳасида бригадалар қилаётган ишимиз Уроқ билан Болга иттифоқи, ишчилар сиффи билан совет деҳқонлари иттифоқи бузилмаслигининг ёрқин тисимолдир.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуратов ўз нутқини меҳнат унумдорлигини оширишининг

қудратли воситаси — социалистик мусобақага бағишлади. Нотиқ мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор нақадар муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон бултур кўтарган катта пахта хирмонига қорақалпоқ пахтакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Автоном республика дада меҳнаткашлари мўл ҳосил учун курашда ўз қўшчилари — хоразмлик пахта усталарининг таърибаларидан кенг қўллашга фойдаланишлар. Улар қўшни область меҳнаткашлари билан кўп йилдан бери дўст тутишиб, социалистик мусобақа боғлаб келмоқдалар. Хоразмликлар билан ҳамдўстлик шўрхон ерлар мелиорация қилиш, гўзани суғоришни самарали ташкил этиш бўйича юксак маҳорат, бой таъриб ортиришга имкон берди.

Қорақалпоқ пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада мўл ҳосил олишга ҳаракат қилмоқдалар. Партия ва совет ташкилотлари Қорақалпоғистон колхоз, совхозларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун ички резервларидан фойдаланиш, комплекс механизация ва химиялаштиришни жорий этиш юзасидан катта иш қилмоқдалар.

Илғорларнинг таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, кимда ким техника билан дўстлашиб, замонавий фаннинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиб бораётган бўлса, унга муваффақият ёр бўляпти, деб таъкидлади ўз нутқида Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. Умаров. Бултур гектар бошига 40-50 центнердан пахта етиштирган бригадаларнинг ютуқлари шуни тасдиқламоқда. Мана шу меҳнат коллективлари техникани қадрай олаётганлар, унинг имкониятларидан фойдалана билишлар. Қолқок бригада, колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига етказиш яна бир катта резервдир. Минерал ўғитдан рационал фойдаланиш, алмашлаб экнишдан тўғри фойдаланишда ҳам резервлар бор.

Г. С. Зайцев номидеги пахтачилик селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Ю. П. Хуторной Ўзбекистонда яратилган янги пахта навларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларига тўхтади. Шу институтнинг селекционерлари вилт касаллигига қарши курашга ва юқори сифатли топа берувчи пахта етиштиришни кўпайтиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. С-6030 таъриблар нави чиқарилди ва у тарқатилди. Бу нави вилт касаллигига қалнинган ерларда юқори ҳосил беради. Ўзбекистон селекционерлари вилт касаллигига қарши бадард берадиган ва саноат учун фойдаманли бошқа бир қанча пахта навларини чиқардилар. Вилтга қарши кураш проблемаси, деб таъкидлайди олиқ, селекционер ва агротехникларнинг бирлашиб куч-ғайрат кўрсатишлари билангина ҳал этилиши мумкин. Ушбу масалада алмашлаб экнишга катта ўрни берилади.

Сирдерё облатсидеги «Самар-халд» совхозининг директори Э. Холматов шу хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш йўллари тўғрисида гапирди. Беш йилликнинг иккинчи йилида совхоз олдиде янги вазифалар турибди. Илғор таърибалар мана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Пахтакорлар: механизатор ҳам, суви ҳам — ҳар бир касб эгаси илғор таърибани ўрганмоқда. Илғорларнинг эришган ютуқлари, уларнинг ортирган маҳоратлари умумлаштирилиб, бошқа бригадаларга ёйилмоқда.

Хўжаликда ишчиларнинг маиший турмушини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бултур кўпгина уй-жой, ясли, мактаб, магазин қурилди. Совхоз посёлкаси эса қурилишни ҳамон тўхтатгани йўқ. Маълумки, яхши маиший турмуш серунум меҳнат гаровидир.

(Давоми учинчи бетда).



Суратда: қурултой қатнашчиларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

саройда қишлоқ бадий ҳаваскорларининг концертини томоша қилдилар.

Бангладеш Халқ Республикасининг Бош вазири шайх Мужибур Раҳмон ва СССР Раҳмон академиясининг шарқшунослик институтини бориб кўрди.

Ўзбекистон ССР ҳукумати шайх Мужибур Раҳмон шарафига зиефат берди. Зиефатда КПСС Марказий Комитети Сийёс буюри аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацевич ва бошқалар ҳозир бўлидилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиефат чоғида Н. Ж. Худойбердиев ва шайх Мужибур Раҳмон нутқ сўладилар. 5 март кечурун Бангладеш Халқ Республикасининг Бош вазири шайх Мужибур Раҳмон ва СССРга сафар қилган пайтида унга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар Тошкентдан ватанга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Остров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, министрлар меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар ижроия комитетларининг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилар, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари Бангладеш Халқ Республикаси Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда меҳмонларни кузатиб қўйдилар. Бош министри СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацевич ҳам кузатиб қўйди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг катта группасига Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги Ерликлар ва кўрракка таъйинланган тегшлик нишонлар 5 март куни тантанали вазиятда топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотларни топшириб, аъло иш кўрсатган ўртоқларни чин қўнғилдан муборокаб қилди, уларга сиҳат-саломатлик, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш мусобақасида янги-янги ютуқлар тилади.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига берилган бу юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга қизгин ташаккур айтдилар.

(ЎзТАГ).

ГРАЖДАН МУДОФААСИ — ҲАММАНИНГ ИШИ

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Совет ҳалқи Улуғ Ватан уруши йилларида жуда катта жапонлар ва меҳнат насорати намуналарини кўрсатди, ҳамда фашизм устидан улкан ғалабага эришди. Ана шу ғалабада ҳаво ҳужуми мудофааси кўшиқлари билан биргаликда ҳаракат қилган маҳаллий ҳаво ҳужумига қарши мудофаанинг шахсий состави ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшди. У душман авиациясининг ҳужумларидан маҳаллий аҳоли ва моддий бойликларини ҳимоя қилиб, саҳноат, ва транспорт иншоотининг узлуksиз давом этишини таъминлади. Душманининг ҳаводан қилган ҳужумларини бартараф этиб, унинг оқибатларини тугатишда катта ишлари амалга оширди.


Ҳаво ҳужумига қарши маҳаллий мудофаа тадбирларида аҳолининг ўзи кенг иштирок қилди. Совет ишчилари урушдан анча олдин ҳаводан бўладиган ҳужумларидан ҳимоялаш усулларига ўргатилган, кўпчилик ёшлар эса ГТО, ПВХО, СГО тадбирларида актив иштирок қилган эди. Ўша даврда аҳолининг катта кўпчилиги ҳаво ҳужумига қарши, химиявий, куролларга қарши амалий кўникмаларини ҳосил қилган, санитария мудофааси тадбирларида қатнашган эди.

Урушнинг бошида СССР Ҳалқ Комиссарлари Совети аҳолини ҳаво ҳужумига қарши мудофаага яхши маъмурий таълим қилишга қаратган, катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммаси ана шундай тайёргарликдан ўтказилди, шунингдек 8—16 ёшгача бўлган воёта етмаган граждандар профилактика фойдаланишга ўргатилди.

Урушдан кейинги йилларда ядро қуролининг пайдо бўлиши билан фронт орасида мудофаанинг таъминлаш маъмурий мураккабланиши. Ҳаво ҳужумига қарши маҳаллий мудофаа ўрнига СССР граждандар мудофааси ташкил қилинди. Бутун мамлакатимиз территориясида амалга ошириладиган умумдавлат мудофаа тадбирларининг сифат ҳамда таъминоти яхшиланган янги системаси янгилик бўлди.

Ҳозирги вақтда ядро қуролидан ҳимояланишнинг усуллари ва восталарини бутун аҳоли билан фронт орасида мудофаа ишлари ҳамда бу борадаги ўқитиш-ўргатиш маъмурий аввалликда ишлаб чиқариш коллективлари, ўқув юрталари, колхоз ва совхозларда.

Граждан мудофааси бўйича бизнинг областимизда ҳам мунтазам тайёргарлик олиб борилаётган. Ўтган 1970—71 ўқув йилининг ўзига борида аввалликда нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эришилди. Шаҳар ва қишлоқларда, колхозлар, совхозлар ва ўқув юрталарида граждандар мудофаасига ўргатишнинг планлаштириш



Суратда: Кўргазма зали.

КЎРГАЗМАДА — ИЛҒОРЛАР

Тинч, фаровон турмуш кечиряётган. Ватанимиз мудофаа кўдрати бунёд даражада юксалган. Замонавий мудофаа техникасининг иккинчи жаҳон уруши давридаги техникага қиёслаб бўлмайди. Зеро, бундан бундан ҳам турмушимизнинг яна ҳам тўқнаб-сочин бўлишида, тинч ҳаёт кечиряётган мудофаа техникасининг ролни улкан. Ҳозирги замонада биринчи зид икки дунё мавжуд экан, империалистларнинг янги уруш ўчоғига олов ёқишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Республикамизда граждандар мудофаасининг қандай савияда ташкил қилинаётганини, унда қўлланиладиган турли хил жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг намоиши эътибор кўргазма ташкил қилинди. Кўргазма ташкил бўлишида Чирчиқ электротехника комбинати санитария дружинасининг фаолиятини акс эттирувчи сценда қўйилган. Сценда корхона санитария дружинасининг қўлга киритган муваффақиятлари

БАЙРОКДОРЛАР

ма Қизил байроғи топирилди.

Областда ҳарбий вақтда граждандар мудофаасини яхши йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча тадбир-чоралар тахт қилиб қўйилган. Штабларнинг шахсий составини тайёрлаш ва бошқа шу каби ишлар кўнгил билан олиб борилаётган. 1971 йилда областларда ўтказилган граждандар мудофааси машқлари Фарғона областида граждандар мудофааси системаси бўйича юксак тайёргарлик қўрилганлигини намоиш қилди.

Машқларда Марғилон шаҳар Совети яқинидаги комитетнинг раиси, граждандар мудофааси бўлими Н. Х. Холматов, шаҳар партия комитетининг секретари Х. К. Каримов, хизмат бошлиқлари ўртоқ Собир, Ғуломов, Мулинали, Охунбобоев ва Фарғона районларининг штаблари, Фарғона, Тўқтиннинг граждандар мудофааси раҳбарлари, Фарғона темирйўли бўлими пухта тайёргарликларини намоиш этдилар.

СПОРТ КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

СССР кубогининг 1/16 финали мусобақаларида кутилмаган натижалар қайд қилинмоқда. Ўтган йили кумуш медал эгаси «Арабат» футболчиларининг «А» класси биринчи гуруҳида қатнашувчи «Динамо» (Ленинград) коллективидан икки марта мағлубиятга учрашган катта тасодиф бўлди. Ереванда бўлган иккинчи ўринда арман футболчилари 0:1 ҳисобида енгилди.

«Нефчи» (Волу) ҳам биринчи гуруҳида қатнашувчи «Металлург» командаси ўз майдонида боқуликлар дарвозасига учта жаҳонбоз тўп киритди. Ўтган йили муваффақиятли қатнашган яна бир команда «Заря» ҳам кубок ўйинларини давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. У Одессада «Черномор»дан 3:5 ҳисобида енгилди. Харьковда бўлган ўйинда ҳам майдон эгалари кучли рақиблари — «Динамо» (Тбилиси)ни таслим қилдилар — 2:0.

Қарағандининг «Шахтёр» командаси Минск динамочиларини 1:0 ҳисобида ютиб, кубок мусобақаларининг навбатдаги даврасига чиқди. Иккинчи бўлар эътиборга лия бошқа узрашувлар натижаларини ҳавола қиламиз: «Помир» — «Карпати» — 1:3, «Локомотив» (Москва) — «Крилья Советов» — 1:1, «Уралмаш» — «Спартак» (Москва) — 0:0, «Автомобилист» СКА (Ростов-Дон) — 0:1.

Шундай қилиб, СССР кубогининг иккинчи финалига Москва ва Киевнинг «Динамо» футболчилари, Қарағандининг «Шахтёр», Москванинг «Спартак» ва «Торпедо» командалари, «Металлург», «Черномор» СКА (Ростов-Дон), «Карпати», «Динамо» (Ленинград) ва «Крилья Советов» чиқди.

ЎЗ МАЙДОНИДА ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Спартак» хоккейчилари ўз ҳамшаҳарлари олдига муваффақиятли ўйнамадилар. «Спартакчилар» Барнаулнинг «Мотор» командаси билан бўлган «Юбилей» спорт залидаги иккала учрашувни ғалаба билан якунладилар — 8:4 ва 7:3.

РУСТАМ ПОЛВОН

Тошкентлик классик кураш бўйича машҳур полвон Рустам Казоков ҳамон жаҳоннинг энг кучли классик курашчиларидан бири эканлигини намоиш қилмоқда. У Минск шаҳрида жаҳон чемпиони Иван Поддубний соврини учун бўлаётган халқаро турнирда яхши қатнашмоқда. Ҳамшаҳримиз Швеция полвони Авербю устидан соф ғалаба қилган, кейинги даврда Югославия полвони Маринков устидан катта устунлик билан ғолиб келди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТИНЧЛИК УЧУН

ДЕХЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон Бош вазирини Индира Ганди Ҳиндистон ҳукумати ярим оролда яқинда бўлиб ўтган кўрлик можабо оқибатларини тугатиш мақсадида ҳарбий асирларни озод этиш ҳусусида Покистон билан музоаралар бошлашга тайёргарлигини изҳор этди. ПТИ агентлигининг Калькуттадан хабар беришча, Индира Ганди ҳарбий асирларнинг қайтарилган оид масалаларда Ҳиндистон четдан ҳеч қандай аралашуви йўл қўймайди, деган гапни ҳам таъкидлаган.

Индира Ганди Калькуттада бўлиб ўтаётган бир қанча сайловда митингларда сўзлаб, Ҳиндистон ҳукумати Ҳиндистон ярим оролда мустақам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатишга ҳамда қўшни Покистон билан келишмовчиликларини тинч йўл билан бартараф этишга интилаётганлигини яна изҳор қилди.

ДЎСТОНА КЎМАК

ДЕХЛИ. Совет Иттифоти Алдасейда (Кералла штати) юз ўринли болалар касалхонасини батамом жиҳозлаб беради. Касалхонани очинишга тайёргарлик учун бир гуруҳа совет меҳнатчилари бу ерга келди.

АҚШНИНГ ГРЕЦИЯГА ҲАРБИЙ ЕРДАМИ

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Никсон Грецияга яна Америка ҳарбий ёрдамини бера бошлашга қарор қилди. Бундан саланм бир ой аввал кўшма штатларнинг конгресси шундай ёрдам беришни таъкидлаб қўйган эди. Президент «Қўшма Штатлар миллий хавфсизлигини таъминлаш зарурати» баҳонаси билан конгресс қарорини бекор қилди.

Шарҳловчиларнинг фикрига кўра, шу йил Греция режимига ҳарбий ёрдам 70 миллион доллардан ошад.



ПОКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

РАВАЛПИНДИ. (ТАСС). Покистоннинг Ғўрта вилоятида 1900 миң бугундай ерде деҳқон бор. 300 миң деҳқон иттифодий жиҳатдан рентабелсиз ер участкаларига эга. 3600 миң деҳқон эърга кун кечиряётган имкон берадиган 12,5 акр ерга эга, 700 миң оиланинг бир акрдан ери бор. «Покистон таймс» газетаси мана шу маълумотларни ёзиб чинди.

Яқинда Покистон президенти З. А. Бхутто мамлакатда ер ислохоти ўтказилаётганини эълон қилганлиги маълум. Ушбу ислохот суғориладиган ерларда энг кўп илгаридек, беш юз акр ўрнига 150 акр миқдорига ерга эга бўлишни чек қилиб қўйди. Суғорилаётган ерларнинг энг кўп миқдори 1000 акрдан 300 акргача қайтарилди. Ер мулкларини чеклаш ҳарбийларга тааллуқли эмас. Покистонда анбанага мувофиқ, ҳамма офицерлар янгида суғорилаётган массивларда катта катта ер мулк олади.



ПОКИСТОНДАГИ ВОҶЕАЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Покистон президенти Бхутто ҳарбий-ҳаво кучларининг қўмондонини, авиация маршали Раҳимхонни ва Покистон армиясининг қўмондонини генерал-лейтенант Гул Хасанини бўшатди. Рейтер агентлиги Покистоннинг АНП расмий агентлиги маълумотларига асосланиб ана шундай хабар қилди. Бу икки киши президент Яҳёхон бўшатилганидан кейин қўроқли кучларга бошчилик қила бошлаган эди. Рейтер агентлигининг хабар беришча, генерал-лейтенант Тиккахон армия штабининг бошлиғи қилиб тайинланган. У Шарий Покистондаги овозлик ҳаракатини бостириш операцияларига раҳбарлик қилган эди.

Чет эл агентликларининг хабарларига қараганда, Карочи ва Равалпиндида телеграф радио ва телевидение ёпиб қўйилган ва полициячилар томонидан қўршаб олинган.

ВДР. Америка ҳаво қарорчилари Вьетнам Демократик Республикасида ҳаво ҳаракатларини тўхтовсиз бузиб турибди. Аҳоли пунктлари ваҳшиёна бомбардировка қилинмоқда. Бунинг натижасида турар-яш боинари, мактаблар, касалхоналар вайрон бўлмоқда, тинч аҳоли орасида ўлганлар бор.

Вьетнам осмони кўринишлари Американинг яна 7 та самолётини уриб туширилган. ВДР осмонидан уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони бу билан 3447 тага етди. Суратда: Тханьхок вилоятида вайрон бўлган касалхона. Бомбардировка натижасида бу ерда 10 киши ҳалок бўлди.

АДН—ТАСС фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
10.55 — Кўрсатувлар программаси, 11.00 — Янгиликлар, 11.10 Достлик ва тинчлик номи билан (хўшхотли фильм, рус тилида), 11.20 — Дилбарим (бадий фильм, узбек тилида), 12.30 дан — Москва кўрсатади, ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
14.30 — «Ернинг ҳаёт (хотин-қизлар учун, узбек тилида), 17.50 — Кўрсатувлар программаси, 17.55 — «Билариниз байрами, 18.00 — «Ахборот» информациялар программаси.

Узбек тилида: 19.10 — Бир-актер театри. Эътибор ОХУНОВА. Ҳафизидасин, 19.40 — «Ахборот» информациялар программаси. 19.55 дан — Москва кўрсатади, ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
УҚУВ ПРОГРАММАСИ
11.30 — Адабиёт, 10-синф, М. ШОЛОХОВНИНГ «Очилган кўр» романида комедия ва фантасия (рус тилида), 12.00 — Уқув фильми, 12.25 — «Адабиёт, 10-синф, Шекспир, «Гамлет» (узбек тилида).

14.25 дан — Москва кўрсатади, ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
Рус тилида: 18.30 — Аҳолиграждан мудофааси ҳақида, 18.50 — Ҳаётимизда, 19.00 дан — Москва кўрсатади, ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
19.55 — Хоккей бўйича СССР биринчилиги, «СЕЛЬХОЗВУЗОВЕЦ» (Челябинск) — «СПАРТАК» (Тошкент), 21.45 — Узбекистон халқ шоираси Зулфия, «Қалб доимо йўлда» (рус тилида), 22.35 — Тенгизлар (бадий фильм, узбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТИДИ
УҚУВ ПРОГРАММАСИ
Рус тилида: 20.00 — Ҳаётимизда, 20.40 — Чизма геометрия бўйича ўқув фильми, 21.50 — Турнахон (бадий фильм).

20 март кундуз соат 2 да Тошкент арчалар малакасини ошириш институтининг биринчи йилиги совет негизини (Петров кўчаси, 51-й)да медицина фанлари кандидати, п.м.и даржага эришган битириш деган темада

Д. Э. Атауллова: «Ўшма силли узоқ вақт антибиотиклар дорилар билан даволаганда ишгар ва бўйрак эши безларининг функционал ҳолати» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ
ЕҚЛАЙЛАЙЛАР
Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Петров кўчаси, 51-й)да танишмиш мумкин.

МАРКАЗИЙ
«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ
ЗАЛИДА
7 март кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «А» классининг II гуруҳидаги «СЕЛЬХОЗВУЗОВЕЦ» (Челябинск) — «СПАРТАК» (Тошкент) командалари ўртасида

ХОККЕЙ
Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб кўриш учун залкалар қабул қилинади.

Утир
НУРМАТОВНИНГ
бевақф вафот этганлигини ҳуқуқ қайғу билан билдирилди ва марҳумнинг оиласига таъзия наҳор қилади.

Узбекистон КП Марказий Комитети нашриятининг коллектив нашрият ходими